

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

М.А.Хакимова

ТИҚХММИ – Миллий тадқиқот университети
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада фуқаролик жамияти асослари шаклланаётган Республикамизда, ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларда миллат, халқ ва жамият олдидagi бурч ҳамда масъулиятини юракдан ҳис қилиш туйғуларини камол топтириш ҳамда уларнинг онгу шуурида мустақам ҳаётий позицияси эътиқодини ҳамда маслагини шакллантириш ҳақида сўз боради. Шу билан бирга ёшлар тафаккуридаги ўзгаришлар Янги Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилган.

***Калит сўзлар:** Янгиланаётган Ўзбекистон, Ёшлар ишлари Агентлиги, Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси, миллий ўзликни англаш, қонун устуворлиги, ёшлар тафаккури, сиёсий фаоллик, жамоат ташкилотлари, миллий қадриятлар, миллий ўзликни англаш.*

ABSTRACT

This article will talk about raising the socio-political activity of our youth in our Republic, where the foundations of civil society are being formed, improving the socio-political activity of our youth, developing their sense of duty and responsibility towards the nation, people and society, and forming a strong life position in their minds and consciences. At the same time, it was mentioned that changes in the thinking of young people are important in obtaining a worthy place of the new Uzbekistan from the world community.

***Key words:** Renewing Uzbekistan, Youth Affairs Agency, Development Strategy of Uzbekistan, understanding of national identity, rule of law, youth thinking, political activity, public organizations, national values, understanding of national identity.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье пойдет речь о повышении общественно-политической активности нашей молодежи в нашей Республике, где формируются основы гражданского общества, повышении общественно-политической активности нашей молодежи, развитии у них чувства долга и ответственности перед нацией, народом и обществом, а также формировании сильной жизни

положение в их умах и сознании. В то же время было отмечено, что изменения в мышлении молодежи важны для получения достойного места нового Узбекистана в мировом сообществе.

Ключевые слова: Обновляющийся Узбекистан, Агентство по делам молодежи, Стратегия развития Узбекистана, понимание национальной идентичности, верховенство закона, молодежное мышление, политическая активность, общественные организации, национальные ценности, понимание национальной идентичности.

КИРИШ

Янгиланаётган Ўзбекистонда жамият ва халқ ҳаётининг барча соҳалари қатори, ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ жабҳаларида туб бурилишлар ясади. Ушбу жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланиши туфайли давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисидаги қарашлар ва бунда ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши натижасида ёш авлод қиёфасидаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири муаммоларини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатида бозор муносабатлари мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги шароитида жамият ижтимоий негизида юз бераётган ўзгаришлар, ёш ижтимоий қатламлар орасидаги табақалашув жараёнлари натижасида вужудга келаётган янги гуруҳлар, шунингдек, уларнинг ранг-баранглигини таъминловчи тамойилларни ҳисобга олишга тўғри келмоқда. Айнан ана шу тамойилларга таяниб иш олиб бориш бу сиёсат таянадиган ижтимоий негиз ва иқтисодий омилларнинг асосини ташкил этилмоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг тўғри ташкил этилиши, нафақат жамият тараққиётини таъминлаш, балки яна кўплаб соҳалар, ҳатто уни бошқаришга ҳам ижобий жиҳатдан таъсир этиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривожини таъминлай олиши маълум бўлмоқда. Шундай экан, ижтимоий фанлар тизимида давлатнинг ёшларга доир сиёсати билан ушбу масала чуқур ўрганилиши бир қатор ижтимоий, жумладан сиёсий фанларда эътибор билан таҳлил қилиниши лозимлиги давр талабига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда қонун устуворлиги қарор топиб, давлатнинг ёшларга доир сиёсати ижтимоий-иқтисодий асослари мустаҳкамланаётган экан, Янги Ўзбекистон ривожини ушбу босқичида мазкур соҳа билан боғлиқ тизимда жиддий ўзгаришлар юз бераётганлигини ҳисобга олиб, уларни нафақат назарий,

балки амалий жиҳатдан ҳам ўзига хос тарзда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Янги Ўзбекистон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликнинг ўтган йиллари давомида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳот натижалари, халқ маънавиятининг тикланиши, бой, миллий тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналарнинг асраб-авайланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим равнақи ёшларга оид сиёсат самарадорлигини ошириш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бу соҳалардаги ислоҳотлар ва уларнинг бугунги кундаги юксак натижалари ушбу сиёсатнинг самарали амалга ошишини таъминлашга қаратилган нафақат иқтисодий, сиёсий омиллар, балки маънавий асосларнинг ҳам ниҳоятда мустаҳкам заминга таянишини яққол кўрсатиб турибди.

Масаланинг бу жиҳатини тадқиқ қилган баъзи олимлар самарали ёшлар сиёсати Ғарб цивилизациясининг бир неча асрлик тараққиёти натижаси ва бугун унинг ютуқлари ушбу соҳада акс этмоқда деб ҳисоблайдилар. Аммо масалани кенг таҳлил қилиш, айниқса Шарқ қомусий олимларининг меросини чуқур ўрганиш, бу қарашларнинг бир томонлама хусусиятга эга эканлиги, уларда кўпроқ европамарказчилик тенденциялари устиворлигини яққол кўрсатади. Шу билан бирга, таҳлил Шарқ халқларига хос ёшлар тарбияси тамойиллари ва бу соҳада узоқ тарихий тараққиёт натижасида шаклланган маънавий омиллар ва урф-одат ҳамда миллий анъаналар Янги Ўзбекистонда ёшларга доир давлат сиёсатини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлаётганидан далолат беради. Айни шу маънода, “...Шарқ ...ни теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва кадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир” [3].

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мамлакатдаги илмий асосланган ва замонавий тамойилларга таянадиган ёшларга доир давлат сиёсатини самарали шакллантириш жараёни жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маданий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги хориж тажрибасини ўрганиш, хусусан, Ғарбда чоп этилаётган асарлар таҳлили мазкур жараённинг иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилиб, маънавий-ахлоқий асосларига етарли даражада эътибор қаратилмаётганини яққол кўрсатмоқда.

Жамиятнинг иқтисодий таъминланганлиги билан ёки тегишли қонунлар қабул қилинишининг ўзиёқ давлатнинг самарали ёшлар сиёсатини тўла-тўқис шакллантириб қўя олмайди. Бу сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ёшлар онгини, маънавиятини ўзгартириш ва уларнинг янги замонга мос тафаккурини дунёга келтиришдан иборатдир. Бундай ниҳоятда мураккаб ва серқирра вазифани амалга оширишда айнан маънавий омилларнинг ўрни ва аҳамияти айниқса, беқиёсдир.

Ўтмишдан маълумки, инсоният тараққиётининг ривожланиш босқичида маънавият соҳаси ҳамиша долзабр масала сифатида эътибор қаратилган. Аслини олганда, маънавият инсонни ўзлигини англатувчи бетакрор мўъжизавий куч-қудратга эгадир. Маънавият шундай қудратли кучдирки, у миллатимиз, халқимизни буюк ва улуғор мақсадлар сари бирлаштирувчи байроқдир.

Бугун дунё миқёсида шиддат билан кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Мана шундай мураккаб бир шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш борасида самарали ишлар қилинмоқда.

Глобаллашув жараёнларининг шиддатли тус олиши дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарларни тобора кучаётганлигини намоён этмоқда. Зеро, дунёда содир этилаётган бундай мураккаб ва таҳликали вазиятни кескин тус олиши ҳар қандай халқ, миллат, жамият ва давлат ҳаётида мунтазам сезгир, хушёр ҳамда огох бўлиш борасида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида халқ ва миллатнинг маданияти ҳамда маънавиятига раҳна солиш орқали уни издан чиқаришга бўлган ҳаракатлар тобора ойдинлашмоқда.

Шу боис, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш маънавият ва маърифатнинг ёшлар тарбияси, инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шартларидан бири деб, билганлари бежиз бўлмаган. “Хужжатул Ислому” Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида таъкидлаганидек: “Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги маҳлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат, Чунки инсонлардагина ривожланиш, руҳий камолот ҳислати мавжуд”[4].

Маънавий тарбия – тараққиёт тақозоси, жамият ривожининг ўзига хос омили экани шубҳасиз. Аммо айни вақтда у ёшларнинг ахлоқий қиёфаси, қалби ва онгини эгаллаётган тамойиллар мазмун-моҳиятини белгилайдиган, яъни, шаклланиб келаётган авлоднинг маънавиятига катта таъсир қиладиган, бу соҳадаги маънавий мезонларни шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

Узлуксиз ва кенг қамровли бу жараён тўғрисида мамлакатимиз аҳолиси, эндигина ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларда мустақиллик тафаккури ва замонавий дунёқарашни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда долзарб жабҳаларидан бирига айлантирмоқда. Аммо, бу соҳада муаммолар йўқ, деб бўлмайди, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам талайгина.

Шу маънода, 2021 йил 26 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадор-лигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-5040 сонли Қарорида таъкидланганидек мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда[1].

Айнан, бугунги кунда мамлакатимизда “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” ғояси асосида Ўзбекистон тараққиётнинг янги даврига қадам қўйгани, амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар энг авалло, юртимиз тараққиётига замин яратмоқда. Юртдошларимиз, айниқса ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган тарғибот тизими шаклланди.

Ўтмишдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлиги, тарихи, маънавияти ва маданиятидан жудо қилишга алоҳида эътибор қаратишган. Зеро, маънавий жиҳатдан забт этилган ҳар қандай халқни маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш истилочи, босқинчи мамлакатларнинг мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий усуллари билан бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига раҳна солиш орқали маънавий

жиҳатдан тараққий этишига йўл қўймасликни ўз сиёсатининг “асосий мақсади” сифатида эътибор қаратган.

Мазкур фикрларни бундан 2700 йил олдин яшаган қадимги Хитой донишманди Конфуций ўз императорига шундай “маслаҳат” берган экан: “Ҳоқоним, агар бирор мамлакатни забт этиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихи маданиятидан маҳрум этинг, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш осон кечади”[5], - дея таъкидлаб ўтгани эътиборга моликдир. Бинобарин, маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатларни тараққий этишига изн бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи яъни босқинчилар доимо жуда яхши англаган. Айнан, мазкур омилларни доимо эътиборда тутган мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган “маслаҳат”ни олдиндан режалаштириб қўйишади. Зеро, маданият, маънавият ва маърифатга таҳдид солиш орқали халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифатини барбод этиши оқибатида ҳар қандай халқ, миллат эътиқодсизлик гирдобига маҳкум бўлади. Шу тариқа, маънавияти издан чиққан бундай ўлкада, мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик авж олиши оқибатда халқнинг менталитети миллий гурур, ифтиҳор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди.

Ваҳоланки, ана шундай ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларда ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантириш анча осон ва “силлик” кечади. Бугун дунё шиддат билан ўзгариб бормоқда. Айниқса, мафкура полигонларида ғоявий – мафкуравий курашнинг тобора авж олиши ёшлар онги ва қалбини экспанция (забт этиш) этишга замин яратмоқда. Шу тариқа, маънавий тубанлик таъсири оқибатида маданиятсизлик, эътиқодсизлик каби бир қатор “таълимотлари” ошқора баъзан эса яширин тарзда тарғиб этилмоқда. Натижада, миллий руҳ, миллатнинг ўзига хослиги ва унинг асрий қадриятларига раҳна солиш орқали зимдан емиришга замин яратилмоқда.

Глобаллашув шароитида мазкур иллатнинг ижтимоий намоён бўлиши муайян минтақа ва мамлакат аҳолиси онги, қалбини забт этмоқда. Натижада, мазкур иллат асл маънавий қадриятларни таназзул сари етаклаб, ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз маданияти, маънавияти ва қадриятларини инкор этиши орқали ёшлар онгида бир-бирига мутлақо зид бўлган дунёқарашни шакллантирмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, маънавият - халқимиз орномусини уйғотувчи беқиёс куч, озодлик, ватанни севишга ундовчи даъваткор

туғёнدير. Бугунги замон шиддати ҳар қайси миллат, халқни келажакда ўзлигини сақлаб қолиш учун энг аввало, маънавийт масаласига бўладиган таҳдидлардан мунтазам огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш борасида кечиктириб бўлмас асосий масаласа сифатида долзарб вазифаларни кўймоқда.

Ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириш, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, унинг қиёфасида юксак ахлоқий тамойилларни шакллантириш масаласи давлатнинг ёшларга доир сиёсатидаги энг долзарб вазифаларидан биридир. Айни пайтда, бугунги кунда ушбу сиёсат доирасида замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни ўзлаштирган баркамол авлодни шакллантиришда кўплаб омиллар қатори, маънавий таъсир усуллари ва ахлоқий тарбия воситаларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг билан бир қаторда, барча таълим муассаслари қатори мактабларда ҳам “Ўқувчи-ёшларни турли маънавий таҳдидлардан асраш учун у шаклланаётган оилавий муҳитнинг таъсирини кучайтириш лозим. Оила муҳитида ота-оналарнинг масъулиятини янада ошириш, ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришда барча таълим муассасаларининг ўқитувчилари, синф раҳбарлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарларининг ролини ошириш айни ахборотлашган даврда ўта муҳим ҳисобланади. Шунингдек, таълим муассасаси, оила ва маҳалла ижтимоий институтларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш лозим”[6].

Шу маънода, ҳар қандай даврда ҳам, унинг амалга оширилиши, чуқур диалектик жараён бўлиб, муттасил ўзгаришлар ва янгиланишларни назарда тутиш зарурлигини англатади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг бугунги кундаги энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий дастуруламал бўлиб ҳисобланади: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-

хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”[2].

Ушбу фикрдан кўринадики, айнан ёшлар сиёсатини амалга оширишда юксак маънавиятли кишиларни, яъни маънан баркамол авлодни шакллантирмай туриб, бугунги мустақиллик даврига мос ёшларга хос бўлган қадриятлар, идеаллар ва тамойилларни қарор топтириб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларидаги тажрибасини таҳлил қилиш мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади. Шу соҳада қабул қилинган қонун ва қарорлар, фармон ва ҳукумат ҳужжатларида ёшларга доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш жараёни аввало, бутун жамият миқёсида маънавиятни юксалтириш учун амалга оширилаётган ислохотларда намоён бўлмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-5040 сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси – Халқ сўзи 2016 йил 8 декабрь
3. Ғуломов С. Маънавий ривожланиш – миллий тикланиш омили // Фалсафа ва ҳуқуқ – Т.: 2008. – Махсус сон. – Б9.
4. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. -Тошкент.: Адолат. 2005. Б29
5. Маматқобилов Т., Мусаев М., Жўраев Ҳ. Халқимизни Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга сафарбар қилишда маънавий – маърифий ишларнинг роли. – Т., “Сано-стандарт”.2017.– Б. 15.
6. Тайлоқова Ш.Н Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. 2019. – Б22.
7. The European Culture Under the Empire of Amir Temur. International journal of Engineering and advanced Technology (IJEAT) ISSN: 2249-8958, Volume-9 Issue-1, October-2019. Uljaeva Shohistahon, Khakimova Makhruya, Turdiboeva Makhsuda, Botirova Khalima, Zakirova Dilfuza
8. Public Organizations In Uzbekistan – In The Interests Of The State And People. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education Vol.12 No.9 (2021), 3402-3406. Khakimova Makhruya Abdulhaevna., Khudayev Ibrokhim Jumaqulovich

9. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sulstonov, S., & Kushakov, F. (2022). PROBLEMS OF INFLUENCE OF ISLAM ON CONSCIOUSNESS TRANSFORMATION. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 591-597.
10. Baratov, R., Nuriddinov, S., Tokhtaboev, E., & Achilova, G. (2022, June). " One belt-one road" initiative-as a modern transport logistics. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030058). AIP Publishing LLC.
11. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Хасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
12. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ў., Султанов, С.Ҳ., Муратова, Д.А., Хасанов, М.Н., & Эрнийёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.
13. Джуманиёз Раматов, Розигуль Умарова, Рашид Баратов, Миршод Хасанов, Сиродж Султонов, Файзулла Кушаков ПРОБЛЕМЫ ВЛИЯНИЯ ИСЛАМА НА ТРАНСФОРМАЦИЯ СОЗНАНИЯ // Академические исследования в области педагогических наук. 2022. №10. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problems-of-influence-of-islam-on-coding-transformation> (дата обращения: 31.01.2023).
14. Hasanov M., Tuhtaboev E. THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS) // *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*. – 2021. – Т. 2. – №. 05. – С. 1-6.
15. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sulstonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.
16. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
17. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Хасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.